

## ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛТАЛАБАЛАРИДА ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРVARЛИК ТАЙЁРГАРЛИГИНинг ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ

Хонимқулов Анвар Раҳимқулович

Низомий номидаги ТДПУ Ҳарбий таълим факултети катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7278249>

**Аннотация.** Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-ярог ва ҳарбий техника билан бутланган, профессионал миллий армияни шакллантириши, ватанпарвар, фидойи, садоқатли, ҳалол, юксак маънавиятли ва фаол ҳаётий позитсияга эга баркамол шахс – Ватан ҳимоячиларини тарбиялаши, Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларнинг асосий мақсадидир. Уибу мақсадларга эришишида ҳарбий-ватанпарварлик ишлар алоҳида аҳамият касб этади.

**Калим сўзлар:** замон талаблари, қурол-ярог, ватанпарвар, фидойи, ҳалол, шахс, Қуролли Кучлар.

## СТРУКТУРА И СОДЕРЖАНИЕ ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ПО НАПРАВЛЕНИЯМ ВОЕННОЙ ПОДГОТОВКИ

**Аннтоация.** Сформировать в нашей стране профессиональную национальную армию, отвечающую требованиям времени, быструю и мобильную, организационно совершенную, оснащенную современным вооружением и военной техникой, воспитать всесторонне развитую личность с патриотическим, самоотверженным, верным, честным, высокий моральный дух и активная жизненная позиция – защитников Родины, является главной целью проводимых в Вооруженных Силах реформ и военно-патриотической работы. Особое значение в достижении этих целей имеет военно-патриотическая деятельность.

**Ключевые слова:** требования времени, оружие, патриот, самоотверженный, честный, человек, Вооруженные Силы.

## STRUCTURE AND CONTENT OF MILITARY PATRIOTIC TRAINING IN THE DIRECTIONS OF MILITARY TRAINING

**Abstract.** To form a professional national army in our country that meets the requirements of the times, quick and mobile, organizationally perfect, equipped with modern weapons and military equipment, and to educate a well-rounded person with a patriotic, selfless, loyal, honest, high morale and active life position - Defenders of the Motherland , is the main goal of the reforms implemented in the Armed Forces and military-patriotic work. Military-patriotic activities are of particular importance in achieving these goals.

**Keywords:** requirements of the times, weapons, patriot, selfless, honest, person, Armed Forces.

## КИРИШ

Талабаларда ҳарбий ватанпарварлик руҳини сингдириб бориша педагогик жиҳатларни ривожланишига боғлиқ бўлган, нафақат аҳлоқий тарбия, баълки ижтимоий билимлар ҳамда ватанпарварликни тарғиб қилувчи педагогик сифатларни амалиётда қўллашнинг турли соҳаларидаги мураккаб вазифаларни ечишга тайёрликни, балки мазкур масалаларни ечиш қобилиятлари ривожланишининг маълум даражасига эришишни ҳам

ифодаловчи субъектив тоифа сифатида талабаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сифатларини юксалтиришда намоён бўлади.

## ТАДҚИҚОТМАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий-ватанпарварлик ишларнинг назарий ва амалий жиҳатларини чукур ўрганиш бўлиб, ҳарбий-ватанпарварлик ишлар самарадорлигини ошириш Консепсиясини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари мазмунини, Мудофаа вазири, унинг ўринбосарларининг буйруқ ва директиваларининг талабларини чукур ўрганиш ва англаб этиш;

чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларни ҳарбий-ватанпарварлик ишларнинг асосий йўналишлари, шакл ва услублари ҳақида билимлар билан куроллантириш, уларни кенг дунёқараш ва фикрлаш қобилиятига эга, иймон-еътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс – Ватан ҳимоячиси қилиб тарбиялаш;

чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларда ҳарбий-ватанпарварлик ишларни ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг олдида турган вазифалардан, замонавий ҳарбий хизматчининг маънавий қиёфасига, касбий фазилатларига қўйилаётган талаблардан ва бошқа ўзига хосликлардан келиб чиқиб режалаштириш, ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича кўнікмаларини шакллантириш;

чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларда, ўқув-жанговар вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳарбий-ватанпарварлик ишларини ўтказиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш, шунингдек, жанговар тайёргарлик ва ҳушёрликни ошириш бўйича билимларини такомиллаштириш;

чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларда офицерлик лавозимларида бўйсунувчи шахсий таркиб билан ҳарбий-ватанпарварлик ишларни ташкиллаштириш ва олиб боришга доир билим, амалий кўнікма ва маҳоратларини шакллантириш.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларини мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларни ўқитиш вазифалари:

- таълимни бошқариш ҳамда ҳарбий бошқарув органларининг вазифалари, шунингдек ҳарбий хизмат асослари бўйича тайёргарликни амалга оширувчи ўқитувчилар ва ўқитишни ташкил этиш бўйича ўқув пунктлари раҳбарларининг вазифалари;

- чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларининг мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитишни ташкил этиш тартиби.

«Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларининг ҳарбий хизматга тайёрлаш тўғрисидаги низом», унда талабаларни ҳарбий хизмат тайёрлашнинг умумий қоидалари ва мажбурий тайёрлаш тартиби ифодаланган:

- мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларни эгаллаш;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасасида ҳарбий хизмат асослари бўйича тайёрлаш;
- ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси;
- ҳарбий йўналиши бўйича ҳарбий мутахассисликларга тайёрлаш;
- тиббий кўрик;
- тиббий-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларининг ҳарбий хизматга кўнгилли тайёргарликларида захирадаги талабани тайёрлаш қўшимча таълим дастури бўйича ўқитиш киритилади. У ҳарбий таълим факультетининг асосий таълим дастурини ўзлаштириш билан биргаликда олий таълим муассасаларидағи ҳарбий таълим факультетларида тайёрлаш дастурини ўзлаштиришлари орқали бўлажак мутахассисларнинг касбий қайта тайёрлаш йўли билан амалга оширилади. Ўқитишнинг мақсади эгалланган ҳарбий мутахассисликка мувофиқ равишда дастлабки талабалик лавозими бўйича функционал мажбуриятларни бажаришга қодир бўлган фуқарони ҳарбий мутахассис. Қуролли кучларнинг захирадаги сифатида шакллантириш ҳисобланади.

Ҳарбий таълим факультети кундузги таълим шаклида захирадаги талабани тайёрлаш дастурининг меъёрий иш ҳажми 1008 соатни ташкил этади, бундан 450 соат ҳарбий таълим факультетидаги ўқув аудитория иши (ҳафтада 6 соат), 225 соат мустақил аудиториядан ташқари ўқув ва тарбиявий иш (кунига 3 соат), 216 соат ўқув маркази, ҳарбий-ўқув муассасаси, ҳарбий қисм, Мудофаа вазирлиги полигонидаги ўқув йиғини (ёки стажировка)даги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ва тарбиявий ишлар, 90 соат имтиҳонларга тайёргарлик ва ўтказишга, ҳамда 27 соат ташкилий ишлар учун тақсимланган.

Шу тариқа, ҳарбий таълим факультети чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабалари муайян ҳарбий мутахассислик бўйича захирадаги талабаларни тайёрлаш дастурини амалга оширади ва олий касбий таълим муассасаларида ташкил этиладиган қўшимча касбий таълим мутахассисларнинг структуравий бўлинмасига тенглаштиради.

Ҳарбий таълим факультетларда захирадаги талабаларни тайёрлаш дастурлари мутахассисларни касбий қайта тайёрлашнинг қўшимча таълим дастурларида тааллуқли бўлиб, у касбий-ҳарбий соҳада битирувчиларнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштиришлари билан бир вақтда, уларнинг умумкасбий ва маҳсус тайёргарликлари йўналишини ҳисобга олган ҳолда, янги турдаги касбий фаолиятни амалга ошириш учун уларнинг билимларини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилади. Кўрсатилган фанларни ўзлаштириш талабанинг замонавий умумҳарбий жангда мотоўқчи бўлинмаларида мувваффақиятли кўмондонлик қилиш ва осойишталик даврида кўл остидагиларни ўқитишга имкон берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларини таъминлайди.

Захирадаги – битирувчи талаба қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ўз Ватани, касбига содиқлик ва ривожланган меҳр ҳисси, юқори маънавийликка эга бўлиш;
- ватанпарвар, Ҳарбий қасамёдга ва ҳарбий бурчга содик бўлиш, ўз Ватанига чин дилдан ва ҳалол хизмат қилиш, ҳарбий хизматнинг барча қийинчиликларини мардонавор енгиш, Ватани манфаатларини жасур ва моҳир химоялаш;
- Конституцияси асосларини, инсоннинг инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини тартибга солувчи ахлоқий ва хуқуқий меъёрларни, ҳарбий хизматни ўташни тартибга солувчи қонунларни, Қуролли кучларнинг умумҳарбий низомлари талабаларини, ҳарбий хизматни тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатларни билиш, уларни хизмат фаолиятида инобатга олишни билиш;
- ҳарбий-касбий билим, кўникма ва малакалар, ҳарбий ва кундалик фаолиятда ҳамда фавқулодда вазиятларда хизмат мажбуриятларини мувваффақиятли бажаришни

таъминловчи маънавий-психологик ва ахлоқий сифатларнинг мос даражасига эгалик;

- ривожланган мавҳум-мантиқий фикрлашга, шахсий компетент фикрига эгалик, шароитнинг ностандарт вазиятларида асосли қарорлар қабул қилишни билиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш, бўлинмада тарбиявий ишни, ҳарбий интизомни таъминлаш тадбирларини ва ҳарбий қисмлар хизматини ташкил этишни, хавфсизлик талабларига риоя этиш, атроф-мухитни ҳимоялаш ва давлат сирини сақлаш, тақдим этилган ҳукуқлар доирасида мустақил ҳаракат қилиш;

- ўз қасбий маҳорати, интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний ривожланишини такомиллаштириш устида ишлаш, намунали ташқи кўринишга эга бўлиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш;

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий билимларнинг замонавий даражасига мос бўлган илмий дунёқарашибга эгалик, дунёда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида Ватан манфаатларидан келиб чиқиб фикрлаш ва баҳолашни билиш, қуролли кучларининг ўрни ва ролини тушуниш;

- фикрлаш маданиятига эгалик, унинг умумий қонуниятларини билиш, унинг натижаларини ёзма ва оғзаки нутқда тўғри (мантиқий) ифодалаш;

- мутахассислик бўйича малакали дипломга эга бўлган мутахассис тайёрлашнинг асосий таълимий дастурини ўзлаштириш.

## МУҲОКАМА

Шу тариқа, битирувчи талаба қўйидагиларни таъминлаши керак:

- бўлинманинг жанговар ва кундалик фаолиятини;
- бўлинманинг жанговар тайёргарлигини;
- бўлинманинг жанговар ва кундалик фаолиятини маънавий-психологик таъминотини;
- тарбиявий ишни;
- ҳарбий интизомни;
- қуроллар, ҳарбий техника ва бўлинманинг бошқа моддий воситаларидан фойдаланиш қоидаларини.

Республикамиз олимлари М.Х.Умаров ўз тадқиотлари доирасида ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади тўхталиб, Ватан мудофааси йўлида хизмат қилишга тайёрлик энг муҳим омил сифатида қаралади. Демак, олим ўз қарашларида ватанпарварликнинг мақсадини амалга ошириш ёшларни ватан ҳимояси ҳамда мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини ҳамда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришни назарда тутади деб эътироф этган.

А.Сафаров ёшларда ватанпарварлик туйғуларини йўқотишга ҳаракат қилаётган шахслар сифатида “инсонларга таъсир кучи ва таҳди迪 жиҳатидан телевидения ва ижтимоий тармоқлар етакчи ўринга чиқиб олди. Бироқ ундан эзгулик йўлида эмас, балки ёвузлик йўлида фойдаланиш йилдан-йилга кучайиб бораётганликлари энг ачинарли ҳолатдир” деб такидлаб, олим ўз фикрларида ватанпарварлик туйғусини қалбдан шакллантириш энг муҳим омилдир деб эътироф этиб ўтган.

Жумладан, бугунги кунда Ғарб оммавий ахборот воситаларининг халқлар ўртасида миллий-этник ва диний қўзғаш мақсадидаги бундай фаолиятига бир неча бор тегишли баҳо берилди. Бироқ ахвол яхши томонга ўзгармаяпти. Оқибатда оммавий ахборот

воситаларининг бундай фаолияти жаҳондаги тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилиб бормоқдадир”.

## ХУЛОСА

Н.Нишонова тадқиқотлари доирасида “хозирги шароитда ёш авлодда пайдо бўлаётган негатив ҳолатларнинг олдини олишда таълим жараёнини маданийлаштириш орқали шахс маданиятини шакллантириш масалалари муҳим аҳамият касб этиши билан ажralиб турди деб, такидлаб ўтади. Олим, маданият тушунчасининг талқинига тўхталганда жамият тараққиётининг тарихий муайян даражаси, инсоннинг кишилар хаётининг ташкил этиш турлари ва шаклларида, ўзаро муносабатларида, шунингдек, улар томонидан яратиладиган моддий ва маънавий қадриятларда намоён бўлган ижодий куч ва қобилиятни англатади деб, ваанпарварликни шакллантиришда маданий жиҳатларга урғу бериб ўтадилар.

Ф.Шерматов, А.Бекназаровлар ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялаш масалаларига тўхталар экан: “жанговар вазиятларда ҳарбий хизматчиларда эмотционал-психологик зўриқишлиарнинг ўсиб кетиши, жанговар вазиятларнинг самараси шахсий таркиб соғлиғига боғлиқлиги ҳарбий хизматчиларнинг жанговар фаолият жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг психик фаолияти қонуниятларини чукур ўрганиш масалаларига аълоҳида эътибор қаратиш лозим.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сонли Қарори / Халқ сўзи. 2019 йил 4 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4358-сонли Қарори. / Халқ сўзи. 2019 йил 18 июнь
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони. <https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>.
4. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори. (*Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.02.2018 й., 09/18/140/0816-сон*)